



2018 yil "30" avgust № 451

Farg'ona shahri

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 26 августдаги 688-сонли қарори түғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартағи “Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-3610-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда ахолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, маънавий-эстетик қадриятлар асосида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, футбол билан шуғулланиш учун маҳаллаларда зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда фуқаролар йигинлари раисларининг ўринбосарлари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларни моддий рағбатлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 августдаги “Фуқаролар йигинларида спортнинг футбол турини янада ривожлантириш ҳамда фуқаролар йигинлари раисларининг ўринбосарлари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларни моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари түғрисида”ги 688-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 августдаги “Фуқаролар йигинларида спортнинг футбол турини янада ривожлантириш ҳамда фуқаролар йигинлари раисларининг ўринбосарлари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларни моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари түғрисида”ги 688-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган давлат-хусусий шерикликнинг қуйидаги шартлари:

маҳаллаларда футбол майдонларини қуриш учун бепул асосдан доимий фойдаланишга ер участкаларини ажратиш;

давлат мулки бўлган бўш турган футбол майдонлари объектларини инвестицион ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан белгиланган тартибда сотиш;

хусусий шерикнинг мулки негизида ташкил қилинган футбол майдонлари ҳолатини яхшилашга кўмаклашиш асосида ҳар бир маҳаллада футбол майдонларини ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқулланганлиги;

маҳаллаларда футбол майдонларини куриш соҳасида давлат-хусусий шериклик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши;

давлат-хусусий шерикликнинг шаклига қараб хусусий шерик зиммасига қўйидаги инвестицион ва ижтимоий мажбуриятлар юкланиши:

маҳалла аҳолисини куннинг маълум вақтида футбол майдонидан бепул фойдаланиши;

хусусий шерикка бириктирилган футбол майдонини куриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш борасидаги ишларни амалга ошириш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутиладиган бошқа мажбуриятларни бажариш;

шунингдек, маҳаллаларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида замонавий футбол майдонларини ташкил этиш бўйича “Ҳар бир маҳаллада футбол майдони” дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага;

маҳаллаларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида футбол майдонлари ташкил этиш тартиби тўғрисида низом 2-иловага;

маҳалла фуқаролар йигинлари раисларининг ўринбосарлари - ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

маҳаллаларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида футбол майдонларини қуриш лойиҳаларини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгиланганлиги:

ташаббускорларнинг маблағлари;

нодавлат ташкилотлар маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

маҳаллалардаги футбол майдонларини саклаш ҳамда ёшлар ўртасида футбол ва бошқа оммавий спорт мусобақаларини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш туман (шаҳар) ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар масалалари бўйича ўринбосарлари зиммасига юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


3. Маҳаллаларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида замонавий футбол майдонларини ташкил этиш бўйича “Ҳар бир маҳаллада футбол майдони” дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари И.Носиров ва Д.Ходжиахмедов Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси (С.Деҳқонова), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви (Ш.Эрматов), шаҳар ва туман ҳокимликлар ҳамда тегишли бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда маҳаллаларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида замонавий футбол майдонларини ташкил этиш бўйича “Ҳар бир маҳаллада футбол майдони” дастури билан берилган вазифаларни белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари И.Носиров ва Д.Ходжиахмедов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими

Ш.М.Ғаниев.



Вилoyer хокимининг
2018 йил “ЗО” августдаги
457 -сонги карорига
илова

**Махаллаарда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида замонавий футбол майдони ташкили этиши бўйича “Хар бир махаллада футбол майдони”
ДАСТУРИ**

T/p	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар	Тадбирларни амалга ошириш механизми ва улардан кутилаётган натижা
I. Махаллаарда футбол майдонлари фаолиятини ташкил этиши				
1.	Футбол майдонларни хатловдан ўтказиш, каровсиз холатдаги майдонларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорларга бериш масаласини Кўриб чиқиш	Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиклантириш бўйича вилоят кенгалини, шахар ва туман хокимликлари	Футбол майдонлари ва уларнинг мавжуд холати ялни хатловдан ўтказилади. Ўтказилган хатлов натижаларига кўра туман (шахар) хокимликлари томонидан қаровсиз ётган давлат мулки бўлган футбол майдонларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорларга берилиши таъминланади.	
2.	Футбол майдонларни куриш бўлган тадбиркорлар рўйхатини зарур шакллантириш хамда кредитлар ажратилишини таъминлаш.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиклантириш бўйича вилоят кенгалини, шахар ва туман хокимликлари	Махаллаарда футбол майдонларини куришини ташкил этиши бўйича тушунтириш ишлари олиб борилиб, барча махаллаарда футбол майдони куриш истагида бўлган тадбиркорлар бириттирилади.	
3.	Спортга оид оммавий ахборот воситаларида “Махаллаарда футбол майдони” туркумида маколалар чоп этиб бориш, кўрсатувлар тайёрлаш хамда махаллаарда футбол майдонларини саклаш ва улардан тўғри фойдаланиш, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиклантириш бўйича вилоят кенгалини, Ўзбекистон ёшлилар итифоюни вилoyer кенгани	Махаллаарда футбол майдонларини ташкил этишининг фойдалари жиҳозларни ахоли ўргасида оммалашади. Футбол майдонларини ташкил этиши, саклаш ва ривожлантиришга кучаяди.	

T/p	Тадбирлар номи	Бажарин муддатлари	Масъул бажарувчилар	Тадбирларни амалга ошириш механизми ва улардан кутилаётган натижка
	ривожланнисида футбольнинг ахамияти хусусида давра сухбатлари ўтказиш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш.			
II. Махаллалардаги футбол майдонларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ривожлантириш				
4.	Каровсиз майдонларини тиклани хамда футболь майдонлари бўйшер майдонларини бўйчида янги майдонларни куриш бўйича худудий манзилли дастурга таклифлар ишлаб чикиш.	Холдаги футбол майдонларини бўйича янги майдонларни куриш бўйича худудий манзилли дастурга	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлантириш бўйича вилоят кенгали, шахар ва туман хокиммийквари,	Каровсиз холдаги футбол майдонлари хамда футболь майдони учун бўш ерлар аниқланади.
5.	Махаллаларда жисмоний тарбия ва спорт споргни ривожлантириш, футбол мусобакаларини ташкил этиш бўйича йўрикнома ишлаб чикиш ва тасдиқланш.	2018 йил 10 октябрь 2018 йил 15 октября	Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Фарғона вилояти футбол асосицияси	Ушбу йўрикномани ишлаб чиқилини ва махаллаларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, футбол мусобакаларини тўғри ташкил этилишига хизмат килади.
6.	Футбол майдони бўлмаган давлат-хусусий асосида футболь майдонлари куриш бўйича 2018-2022 йилларга мўлжалланган худудий манзилли дастурларни шериклик манзилли дастурларни ишлаб чикиш ва тасдиқланш.	бўлмаган давлат-хусусий асосида футболь майдонлари куриш бўйича 2018-2022 йилларга мўлжалланган худудий манзилли дастурларни ишлаб чикиш ва тасдиқланш.	Вилоят хокимининг ўринбосарлари Д.Хожиахмедов, И.Носиров, шахар ва туман хокиммилари, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлантириш бўйича вилоят кенгали	Махаллаларда футбол 2018-2022 йилларга мўлжалланган худудий манзилли дастурлари тасдиқланади. Махалла ёшлиари учун футбол майдонлари барто этилади.
7.	Махаллаларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида замонавий футбол майдонларини куриш бўйича 2018-2022 йилларга	2018 йил 25 октябрь	Вилоят хокимининг ўринбосарлари Д.Хожиахмедов, И.Носиров, шахар ва туман хокиммилари	Футбол майдонлари сифатли ва ўз вактида курилини устидан назорат килиши хамда курилган майдонлар бўйича тизимли маълумот юритилади.

T/p	Тадбирлар номи	Бажаринн муддатлари	Масъул бажарувчилар	Тадбирларни амалга ошириш механизми ва уларадан кутилаётган натижা
	Мүлжалланган худудий манзилли дастурлар ижроси мониторингини олиб бориш максадыда маҳаллий хокимликлар хузурида мониторинг гурухини шакллантириши.		Жисмоний тарбия ва спорт бошкармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши	
8.	Футбол майдонларини сифатли махалла фуқаролар йигинларида жамоатчилик назорати гурухларини шакллантириши.	2018 - 2022 йиллар	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши	Махаллаларда ташкил этилаётган футбол майдонларини сифатли курилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилишига эришилади.
9.	Тасдиқланган худудий манзилли дастурлар асосида намунавий лойиха бўйича футбол майдонларини давлат-хусусий шериклик шартларида куриш ва таъмирлаш чора-тадбирларини кўриш хамда амалга оширилган ишлар бўйича вилоят хокимнингига ахборот киритиб бориш.	доимий	Шахар ва туман хокимликлари	2018 — 2022 йилларда барча махаллардаги футбол майдонлари замонавий киёфага келтирилади, улар спорт ва ўйин курилмалари билан жихозланади. вилоятнинг хар бир маҳалласида камида битта футбол майдони бўлишига эришилгади.
10.	Махаллалар ўргасида футбол бўйича мусобакалар ўтказилишини тизимили йўлга кўйиш, ғолибларни муносаб тақдирланиш.	доимий	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши, Фарғона вилояти футбол ассоциацияси	Махаллалар ўргасида ташкил этиладиган футбол мусобакаларида ёшлиарни жисмонан соғлом этиб тарбияланшга, иктидорни ёшлиарни футболга жалб этишга хизмат килади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 26 августдаги
688-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Маҳаллаларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида футбол
майдонларини ташкил этиш тартиби тўғрисида**
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом маҳаллаларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида футбол майдонларини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳасини бошлиш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат-хусусий шериклик — хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ресурсларни бирлаштириш мақсадида давлат шериги ва хусусий шерикнинг аниқ муддатга юридик расмийлаштирилган маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этишдаги ўзаро самарали ҳамкорлиги;

давлат шериги — туман (шаҳар) ҳокимликлари;

хусусий шерик — битим тузган ёки битим тузиш истагини билдирган юридик ёки жисмоний шахс. Давлат ташкилотлари хусусий шериклар бўла олмайди, шунингдек, хусусий шериклар тарафида иштирок эта олмайди;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси — маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш бўйича нвестициявий, инновацион, инфратузилмавий ва бошқа тадбирлар мажмуи;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим — (кейинги ўринларда битим деб аталади) — томонларнинг ҳукуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ижро этишнинг бошқа шартларини белгилаб берадиган давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида тузилган ёзма шартнома;

4. Кўйидагилар маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилишида давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари ҳисобланади:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги, давлат сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этган маълумотлар бундан мустасно;

камситмаслик, битим томонларининг teng ҳукуқлилиги;

томонларнинг битим бўйича мажбуриятларни вижданан бажариши;

хавф-хатар ва мажбуриятларнинг битим томонлари ўртасида адолатли тақсимланиши;

давлат-хусусий шериклик томонлари ўзаро муносабатларининг шартномада келишиб олинган асоси.

5. Маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шериклик қуидаги шаклларда амалга оширилади:

маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш учун бепул асосда доимий фойдаланиладиган ер майдонлари ажратиш;

хусусий шерикнинг мулки негизида ташкил этилган футбол майдонларини моддий техник ҳамда молиявий жихатдан таъминлаш.

Маҳаллаларда футбол майдонларини қуриш соҳасида давлат-хусусий шериклик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

6. Давлат шериги ва хусусий шерикнинг футбол майдонларини ўзаро манфаатдорликда ташкил этиш бўйича таклифлари давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш учун асос хисобланади.

7. Ушбу Низомга мувофиқ маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш учун хусусий шерикларга ер участкалари ажратишга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган юридик ва жисмоний шахсларга ер участкалари ажратиш тартиби татбиқ этилмайди.

2-боб. Хусусий шерик томонидан давлат-хусусий шериклик лойиҳасини таклиф этиш тартиби

8. Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш истагини билдирган хусусий шерик туман (шаҳар) ҳокимлигига ариза билан мурожаат қиласида:

Аризада қуидагилар кўрсатилади:

а) юридик шахслар учун — хусусий шерикнинг номи ва жойлашган жойи, жисмоний шахслар учун — шахсига оид маълумотлар ва яшаш манзили;

б) лойиҳани амалга ошириш мақсади ва шартлари;

в) битимнинг мўлжалланаётган обьекти ёки ер участкаси тўғрисидаги маълумотлар;

г) агар давлат-хусусий шериклик хусусий шерикнинг мулки негизида ташкил қилинган футбол майдонлари ҳолатини яхшилашга кўмаклашиш билан боғлик бўлса, хусусий шерик қўшимча равишда қуидиги ҳужжатларни тақдим этади:

ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказиганлиги ҳақидаги гувоҳнома;

биноларга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказиганлиги ҳақидаги гувоҳнома.

9. Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига тушган аризалар йигирма кун мобайнида кўриб чиқилади.

Туман (шахар) ҳокимлиги уч кун мобайнида тушган аризани келишиш учун тегишли маҳалла фуқаролар йиғинига юборади.

10. Тушган ариза туман (шахар) ҳокимлиги ва маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилгандан сўнг, заруратга кўра, балансида сақловчи ташкилотларнинг ижобий хулосалари олингач танлов комиссияси томонидан битим тузиш ҳақидаги таклиф ёзма равишда хусусий шерикка маълум қилинади.

Агар айни бир ҳудуддан икки ёки ундан ортиқ хусусий шерикка ижобий хулосалар берилган бўлса, улар орасидан энг мақбули холис гувоҳлар иштироқида «Энг яхши маҳалла лойиҳачиси», «Энг яхши мақбул лойиҳа эгаси» танлови орқали аниқланади.

11. Ариза ушбу Низомнинг 8-банди талаблари бузилган ҳолда берилган бўлса, хужжатлар ариза берувчига бир иш қуни мобайнида қайтарилади.

Тақдим этилган аризада талаблар бузилганлиги ҳақидаги билдиришнома ёзма шаклда, шу жумладан, электрон ахборот тизими орқали хусусий шерикка етказилади (жўнатилади). Билдиришномада қандай талаблар бузилганлиги, қонун хужжатларининг аниқ нормалари ва хусусий шерик кўрсатилган талаблар бузилишини бартараф этиб, хужжатларни давлат шеригига тақорор кўриб чиқиши учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилади.

Хусусий шерик талаблар бузилишини бартараф этишга ва хужжатларни тақорор кўриб чиқиши учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат ёзма ёки электрон билдиришнома олинган қундан бошлаб ўн иш қунидан кам бўлиши мумкин эмас.

Камчиликлар бартараф этилиб тақорор тақдим этилган ариза қабул қилинган қундан бошлаб ушбу Низомнинг 9-бандида белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилади.

3-боб. Маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш учун ер участкаларини бепул асосда ажратиш тартиби

12. Маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш учун аҳоли пунктлари таркибига кирадиган ер участкалари ажратилади.

Туман (шахар) ҳокимлиги объект қурилиши учун ер участкаси ажратиш бўйича материалларни Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ҳудудий бўлинмасига юборади.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шахар қурилиш бош бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий орган деб аталади) ўн беш кун мобайнида ер участкасини тақдим этишга доир материалларни тайёрлайди ва ваколатли органлар (ташкилотлар) билан келишади ҳамда ер участкасини танлаш ва тақдим этишга доир материалларни туман (шахар) ҳокимлигига юборади.

14. Туман (шахар) ҳокимлиги Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шахар қурилиш бош бошқармаларидан ер

участкасини танлаш ва тақдим этишга доир материаллар тушган кундан бошлаб уч кун муддатда:

маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш мақсадида ер участкасини хусусий шерикка доимий фойдаланиш учун тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

ер участкаси тақдим этиш тўғрисидаги қарорни «Давергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси филиалига юборади ҳамда давлат шеригини хабардор қилади.

15. «Давергеодезкадастр» давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси филиали ер участкасини тақдим этиш тўғрисидаги қарор олинган кундан бошлаб икки иш кунида тақдим этилган материаллар асосида ер участкасига бўлган хукуқни давлат рўйхатидан ўтказади, шунингдек, хусусий шерикка ер участкасига бўлган хукуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

16. Ер участкасини тақдим этишга доир материалларни тайёрлаш ва келишиш билан боғлиқ харажатлар хусусий шерик билан битим тузилгандан кейин у томонидан қопланади.

4-боб. Маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш, ўзгартириш, тўлдириш, шунингдек, бекор қилиш ва амал қилишини тўхтатиш тартиби

17. Давлат шерик ва хусусий шерик қонун хужжатлари ва ушбу Низом талабларига риоя қилган ҳолда битим тузади.

18. Битимда у амалга оширилиши шаклига қараб қуидагилар назарда тутилган бўлиши керак:

хусусий инвестициялар обьекти ва ҳажми;

битимнинг амал қилиш муддати ва шартлари;

футбол майдонлари фойдаланишга топшириладиган ва ишга тушириладиган муддат;

битим томонларининг хукуqlари ва мажбуриятлари;

лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш, пудрат ишлари учун шартномалар тузиш муддатлари, лойиҳани молиялаштириш манбалари, амалга ошириш жадваллари, лойиҳа бажарилишининг бориши устидан техник назорат қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш тартиби ва у қай даражада бажарилганлигига берилиган баҳо;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида кўрсатиладиган хизматлар сифатига қўйиладиган талаблар;

хусусий шерик томонидан ўз мажбуриятларини бажариш жараёни тўғрисида ҳисботлар тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида битим тузиш билан боғлиқ хавф-хатарларни тақсимлаш тартиби ва шартлари;

давлат шериги томонидан хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун бериладиган объектга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби;

футбол майдонларидан фойдаланиш, унга техник хизмат кўрсатиш, уни лойиҳалаштириш, қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш, модернизациялаш тартиби;

битимнинг амал қилиш муддати тугагандан кейин битимни ижро этиш жараёнида яратилган объектга ва бошқа мулкка доир ҳукуқларни тақсимлаш тартиби;

битим шартларига риоя қилинмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби;

битимни бекор қилиш тартиби, шунингдек, битимни муддатидан олдин бекор қилиш натижасида етказилган заарларнинг ўрнини тўлдириш ёки қоплаш тартиби;

хусусий шерик томонидан мажбуриятлар бажарилмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун санкциялар;

битимни амалга оширишда юзага келадиган низоларни ҳал қилиш тартиби.

Битимда қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар ҳам келтирилиши мумкин.

19. Битимни имзолашга тайёрлаш учун давлат шериги хусусий шерикка битим лойиҳаси матнини тақдим этади.

20. Агар зарур бўлса, давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида битим қоидаларини келишиб олиш мақсадида музокаралар ўтказилади.

21. Битим давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида икки нусхада, томонларнинг ҳар бири учун биттадан нусхада имзоланади.

22. Тузилган битимларнинг ягона реестри ҳокимликлар томонидан юритилади.

23. Битим ўттиз йилгача бўлган муддатда имзоланади. Битим, агар унда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, томонлар имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва битим муддати тугашигача ёки бекор қилинишигача амал қиласди.

24. Куйидаги холларда битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин:

томонларнинг ўзаро розилиги билан;

давлат шеригининг талаби бўйича — давлат шериги ва хусусий шерикнинг шартнома асосидаги муносабатларига доир маҳаллаларда футбол

майдонларини ташкил этиш тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан;

суднинг ҳал қилув қарори бўйича.

25. Битим қуидаги ҳолларда бекор қилинади:

томонларнинг ўзаро розилиги билан;

хусусий шерик банкрот бўлса ёки тугатилса;

давлат шеригининг талаби бўйича — хусусий шерик ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда;

хусусий шерикнинг талаби бўйича — давлат шериги ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда.

26. Битим амал қилиш муддати тугагандан кейин тўхтатилади.

Битимнинг амал қилиш муддати тўхтатилиши томонларни уни бузганлик учун жавобгарлиқдан озод қилмайди.

5-боб. Битим томонларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

27. Давлат шериги қуидаги ҳуқуқларга эга:

хусусий шерикдан ҳар чоракда битим шартларини бажариш жараёни тўғрисида ҳисобот олиш;

битим шартларини бажариш жараёни устидан мониторинг ва давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга ошишини баҳолаш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва битим шартларига риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш доирасида аниқланган қонунбузарликлар бартараф этилишини талаб қилиш;

хусусий шерик айби билан юзага келган объект бўйича заарлар қопланишини талаб қилиш;

битим шартлари хусусий шерик томонидан бузилган тақдирда, битимнинг суд тартибида бекор қилинишини талаб қилиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилишини молиялаштиришда иштирок этиш.

Давлат шериги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

28. Давлат шериги қуидаги мажбуриятларни бажаради:

хусусий шерикка объектни битимни белгиланган муддатларда, тартибда ва шартларда бепул асосда тақдим этиш;

хусусий шерикларга солик имтиёзлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа преференциялар тақдим этилишида кўмаклашиш;

футбол майдонларини қуриш ва қайта қуриш учун замонавий қурилиш маҳсулотларини харид қилиш учун имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашиш;

барча зарур ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси (электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, канализация, автомобиль йўллари ва ҳоказолар) билан таъминлашда кўмаклашиш;

хусусий шерикнинг хўжалик фаолиятини олиб боришига аралашмаслик.

Давлат шеригига ушбу Низомда ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

29. Хусусий шерик:

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини таклиф қилиш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш учун давлат шеригига тақдим этиш;

ер участкаларини, бўш ётган қаровсиз ер майдонларини битим амал қиласиган муддатга бепул асосда олишга ҳамда улардан фойдаланиш;

футбол майдонларини қуриш ва қайта қуриш учун замонавий қурилиш маҳсулотларини харид қилиш учун имтиёзли кредитлар олиш;

турли ёшдаги болалар учун футбол тўгараклари ва бошқа хизматларни ташкил этиш;

фойда олиш ва уни эркин тасарруф этиш;

битим шартлари давлат шериги томонидан бузилган тақдирда, уни суд тартибида бекор қилишни талаб қилиш ҳукуқига эга.

Хусусий шерик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

30. Хусусий шерик қўйидаги мажбуриятларни бажаради:

битим ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;

битим амал қиласиган бутун муддат давомида объект фаолиятининг ихтисослигини сақлаш;

футбол майдонари худудида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормаларига риоя қилиш;

футбол майдонларида кун салқин пайтда тегишли маҳалла ёшларининг футбол билан бепул шуғулланишига шарт-шароитлар яратиб бериш;

футбол тўгараклари ташкил этилган тақдирда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласаларнинг фарзандлари футбол билан шуғулланишини ташкил этиш учун камида уч йил давомида ушбу футбол тўгаракларига бепул асосида шуғулланишини белгилаш;

объектнинг тўлиқ ёки қисман молиялаштирилишини, ундан фойдаланилишини, унга техник хизмат кўрсатилишини, шунингдек, лойиҳалаштириш, қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш, модернизациялашни таъминлаш.

Хусусий шерикка ушбу Низомда ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

Битим амал қиласиган муддат тугамай туриб хусусий шерик мулки бўлган объектнинг, у томонидан мусодара қилинишига йўл қўйилмайди, хусусий шерик Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ алмаштирилиши бундан мустасно.

31. Битим мулкни битимнинг амал қилиш муддати тугагандан кейин давлат шеригига қолдириш шарти билан тузилган тақдирда, хусусий шерик битимни узайтириш борасида устувор хукуққа эга бўлади.

6-боб. Хусусий шерикнинг мулки негизида ташкил этилган футбол майдонларида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш

32. Хусусий шерик мулки негизида ташкил этилган футбол майдонларини моддий таъминлаш шаклидаги давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тўғрисидаги лойихани амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилган тақдирда давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида етти кун ичida битим тузилади.

33. Давлат-хусусий шерикликнинг ушбу шаклида томонлар ўртасида тузилган битимга мувофиқ давлат шериги хусусий шерикка лойихани амалга оширишда имтиёзли кредитлар олишига ҳамда барча зарур ташки мухандислик-коммуникация инфратузилмаси (электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, канализация, автомобиль йўллари ва ҳоказолар) билан таъминлашда кўмаклашиши мумкин.

Давлат шериги қонун хужжатларида ҳамда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ҳолларда хусусий шерик мулки негизида ташкил этилган футбол майдонларини моддий таъминлаш шаклининг бошқа турини қўллаши мумкин.

34. Хусусий шерик лойихани амалга оширишда турли ёшдаги болалар учун футбол тўгараклари ва бошқа хизматларни ташкил этади ҳамда фойда олиш хукуқига эга бўлади.

7-боб. Якунловчи қоида

35. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Маҳаллаларда давлат-хусусий шериклик шартлари
асосида футбол майдонларини ташкил этиш
тартиби түркисидаги низомга
ИЛОВА

**Маҳаллаларда футбол майдонини ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шериклик
лойиҳасини бошлиш**

СХЕМАСИ

Боекичлар	Субъектлар	Тадбирлар номи	Бажарни муддати
1-боекич	Туман, шаҳар хокимликлари (давлат шериги)	Танловнинг эълон килинishi	Зарур холларда
2-боекич	Туман, шаҳар хокимликлари (давлат шериги)	Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида маҳаллаларда футбол майдонларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) хокимликлари тушган аризаларни қўриб чикиш	20 кун мобайнида
3-боекич	Туман, шаҳар хокимликлари (давлат шериги)	Тушган аризани келишиш учун тегинчи маҳалла фукаролар йигинига юбориш	3 кун
4-боекич	Туман, шаҳар комиссияси (танлов комиссияси)	Ташкитотларнинг ижобий хуносалари олингач битим тузиш қақидаги тактифи ёзма равишда Кусусий шерикка мальум килиш	10 иш куни
5-боекич	Туман, шаҳар хокимликлари (давлат шериги)	Ўзининг веб-сайтида жойлаштирилган карор тўгрисида Кусусий шерикни ҳабардор килиш	Карор кабул килинган кун
6-боекич	Туман, шаҳар хокимликлари (давлат шериги) Юридик ёки жисмоний шахс (Кусусий шерик)	Давлат-хусусий шериклик тўгрисидаги битимни тузиш	Танлов комиссиясининг ижобий карори қабул килгандан кейин 10 кун ичida

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 26 августдаги 688-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари — ёшлар
масалалари бўйича маслаҳатчиларни моддий рағбатлантириш тартиби
тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларни (кейинги ўринларда маслаҳатчи деб аталади) моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.
2. Маслаҳатчиларни моддий рағбатлантириш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.
3. Фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг фаолиятини баҳолаш ва моддий рағбатлантириш бўйича ҳар бир туманда (шаҳарда) ушбу Низомга 2-иловада келтирилган намунавий таркибда комиссия (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) шакллантирилади.
4. Моддий рағбатлантириладиган маслаҳатчилар комиссия томонидан ташкил этиладиган танлов (кейинги ўринларда танлов деб аталади) асосида аниқланади.

Комиссия томонидан танловда ҳар бир туман ва шаҳардан уч нафардан ғолиб бўлган маслаҳатчиларга олти ой давомида энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорида моддий рағбатлантириш пули тўлаб борилади.

5. Маслаҳатчиларга тўланадиган моддий рағбатлантириш маблағларининг 20 фоизи Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси, 40 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси, 40 фоизи Ўзбекистон футбол асоциацияси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

2-боб. Танлов ғолибини аниқлаш мезонлари

6. Комиссия томонидан ташкил этиладиган танлов ғолибларини аниқлаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

ёшлар ўртасида футбол, оммавий спорт мусобақалари ташкил этилганлиги;

маҳаллаларда ёшлар, вояга етмаганлар ўртасида ҳукуқбузарликлар ва жиноятикликларнинг олдини олиш, ижтимоий-маънавий мухитни янада яхшилашга қаратилган тарғибот тадбирлари, давра сұхбатлари ташкил этилганлиги;

ёшлар бандлигини таъминлаш, касб-хунарга йўналтириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар, соҳа мутахассислари иштирокида маҳалла ёшлари учун бизнес тренинглар ташкил этилганлиги;

таълим муассасалари ўкувчилари давоматини яхшилашга қаратилган тадбирларда иштирок этганлик;

туман (шахар) ва ҳудудий миқёсда ташкил этилган спорт мусобақалари, кўрик-танловларда маҳалла ёшларининг иштироки таъминланганлиги, шунингдек, уларнинг эришган ютуқлари;

фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиясининг фаолият самарадорлиги ҳамда ёшлар ўртасида содир этилган жиноятлар кўрсаткичининг кескин камайиши.

Комиссия томонидан танлов ғолибларини аниқлашда маслаҳатчилар эришган (амалга оширган) бошқа ишлар ҳам инобатга олинади.

3-боб. Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларни моддий рағбатлантириш тўловини тайинлаш тартиби

7. Танловда иштирок этиш истагини билдирган маслаҳатчилар ҳар йили январь ва июль ойларининг 15-кунига қадар комиссияга қуидаги хужжатларни тақдим этади:

ариза;

паспорт нусхаси;

2 дона 3x4 см ўлчамли рангли фотосурат;

охирги йилнинг ҳар чорак якуни бўйича ушбу Низомнинг 6-бандида санаб ўтилган мезонларга мувофиқ амалга оширилган ишлар бўйича маълумот, видео ва фотоловҳалар, эришилган ютуқлар юзасидан диплом, сертификат ва фахрий ёрлиқлар нусхалари;

маҳалла ҳудудида яшовчи вояга етмаганлар томонидан жиноят ва ҳукуқбузарликларнинг охирги бир йилда камайганлиги ёки содир этилмаганлиги бўйича профилактика инспектори томонидан тақдим этиладиган ҳамда фуқаролар йиғини раиси томонидан тасдиқланадиган маълумот.

8. Маслаҳатчилар томонидан тақдим этилган хужжатлар комиссия томонидан беш кун мобайнида ўрганиб чиқилади ва ушбу Низомнинг 6-бандига мувофиқ баҳоланиб, танлов ғолиблари аниқланади.

9. Танлов ғолибларига комиссия қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир иш куни мобайнида хабар берилади.

10. Танлов якунлари эълон қилингандан сўнг 5 иш кунида моддий рағбатлантириш маблағлари ушбу Низомнинг 5-бандида белгиланган тартибда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳисоб варакларига ўтказиб берилади.

11. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан моддий рағбатланиш учун ажратилган маблағлар танловда ғолиб деб топилган маслаҳатчиларга ҳар ойнинг учинчи кунигача белгиланган тартибда тўланади.

12. Моддий рағбатлантириш тўлови тегишли туман (шаҳар) комиссиясининг қарори билан тўхтатилади. Ҳисобот даврида моддий рағбатлантириш тўлови бўйича ишлатилмай қолган маблағлари олиб қўйилмай, кейинги даврга ўтказилади ва ушбу Низомда кўзда тутилган мақсадларга сарфланади.

13. Кўйидагилар моддий рағбатлантириш тўлови тўхтатилишига асос бўлади:

лавозимидан озод этилганда;

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра узоқ вақт мобайнида маслаҳатчилик вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолган тақдирда;

вафот этганда ёки суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинган тақдирда.

Моддий рағбатлантириш тўлови тўхтатилиши маслаҳатчидан олдин тўланган тўловлар қайтариб олинишига асос бўлмайди.

4-боб. Якунловчи қоидалар


14. Маслаҳатчиларни моддий рағбатлантириш юзасидан келиб чиқадиган низоли масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

15. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Маҳалла фуқаролар йигинлари раисларининг
ўринбосарлари - ёшлар масалалари бўйича
маслаҳатчиларни моддий рағбатлантириш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Фуқаролар йигинлари раисларининг ўринбосарлари - ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларни рағбатлантириш

СХЕМАСИ



Маҳалла фуқаролар йигини раисининг
ўринбосари — ёшлар масалалари бўйича
маслаҳатчиларни моддий рағбатлантириш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари — ёшлар
масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг фаолиятини баҳолаш ва моддий
рағбатлантириш бўйича комиссиянинг намунавий**

ТАРКИБИ

- лавозими бўйича — туман (шахар) ҳокими, *Комиссия раҳбари*
- лавозими бўйича — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман
(шахар) қенгаши раисининг биринчи
ўринбосари, *Комиссия раҳбарининг ўринбосари*
- лавозими бўйича — туман (шахар) ички ишлар бўлими бошлифининг
ёшлар масалалари бўйича ўринбосари
- лавозими бўйича — жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг туман
(шахар) бўлими бошлиғи
- лавозими бўйича — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман (шахар)
кенгаши раиси, *Комиссия котиби*